

## ВАТАНПАРВАРЛИК ТУЙҒУСИНИНГ ИНТЕГРАТИВ ХУСУСИЯТЛАРИ

**Қувондиқов Сардорхон Сидиқ ўғли**

*Низомий номидаги*

*Тошкент давлат педагогика университети доцент в.б*

**Аннотация.** Ушбу мақола бўлажак ўқитувчиларда фуқаролик ва ватанпарварлик компетенциясини ривожлантириш мезонлари ва кўрсаткичларидан “Узлуксиз маънавий тарбия концепцияси”ни жорий этишида тарбияланганликни баҳолаш индикаторлари сифатида фойдаланилган. Натижада бўлажак педагогларни талабаларда Ватанга садоқат компетенциясини шакллантиришга тайёргарлигини таъхис этиш имконияти ошган.

Тадқиқот доирасида ишлаб чиқилган ватанпарварлик туйғусини ривожлантиришнинг компетенциявий ёндашувга асосланган интерфаол шакл, метод ва воситаларидан “Тарбия фанини ўқитиш технологияси” қўлланмасини ишлаб чиқишида фойдаланилган.

Мазкур таклифлар бўлажак педагогларни тарбиявий фаолиятга тайёрлаш, уларда фаол фуқаролик позитсиясини ривожлантиришга имкон яратган.

**Калит сўзлар:** Ватанпарварлик онги, ватанпарварлик дунёқараши, маънавий-ахлоқий, фуқаролик-ватанпарварлик, ҳарбий-ватанпарварлик, спорт ва ватанпарварлик, педагогика, бўлажак ўқитувчилар, тарбиявий фаолият, таълим, тарбия, компетенция, модернизатсия.

## ИНТЕГРАТИВНЫЕ ОСОБЕННОСТИ ПАТРИОТИЧЕСКОГО ЧУВСТВА

**Кувондиқов Сардохон Сидикович**

*доцент в.б,*

*Кафедра физического воспитания и спорта*

*Ташкентский государственный педагогический университет имени Низами*

**Аннотация.** В данной статье использованы критерии и показатели развития гражданско-патриотической компетентности у будущих учителей в качестве показателей оценки воспитания при внедрении "концепции непрерывного духовного образования". В результате возросла возможность диагностики будущими педагогами у студентов их готовности к формированию компетентности верности Родине.

Интерактивные формы, методы и инструменты, основанные на компетентностном подходе к развитию чувства патриотизма, разработанные в рамках исследования, были использованы при разработке учебного пособия "Технология преподавания педагогических наук".

Эти предложения позволили подготовить будущих педагогов к образовательной деятельности, развить в них активную гражданскую позицию.

**Ключевые слова:** патриотическое сознание, патриотическое мировоззрение, духовно-нравственное, гражданско-патриотическое, военно-патриотическое, спорт и патриотизм, педагогика, будущие учителя, образовательная деятельность, просвещение, воспитание, компетентность, модернизация.

## INTEGRATIVE FEATURES OF THE PATRIOTIC FEELING

**Kuvondikov Sardorkhon Sidikovich**

*Associate Professor,*

*Department of Physical Education and Sport*

*Tashkent State Pedagogical University named after Nizami*

**Annotation.** *This article used the criteria and indicators for the development of civil and patriotic competence in future teachers as indicators of the assessment of upbringing in the introduction of the "concept of continuous spiritual education". As a result, the possibility of diagnosing future educators in students their readiness to form a competence of loyalty to the motherland has increased.*

*Interactive forms, methods and tools based on a competency approach to the development of a sense of patriotism, developed within the framework of the study, were used in the development of the manual "technology for teaching educational science".*

*These proposals made it possible to prepare future educators for educational activities, to develop an active civic position in them.*

**Keywords:** *patriotic consciousness, patriotic worldview, spiritual-moral, civil-patriotic, military-patriotic, sports and patriotism, pedagogy, future teachers, educational activities, education, upbringing, competence, modernization.*

Куйида ватанпарварлик туйғусининг мазкур интегратив хусусиятларига тўхталиб ўтамиз.

Ватанпарварлик онги – онгининг ажралмас қисми бўлиб, куйидаги хусусиятларда акс этади: а) ривожланаётган инсоннинг ижтимоий маконда ифодаланувчи ва унинг ҳаётий фаолиятига таъсир кўрсатадиган жамиятда содир бўладиган жараёнлар билан боғлиқ воқеликларнинг онгда акс эттириши (онтологик жиҳат); б) маданият маҳсули ҳақидаги тасаввурлар йиғинидиси сифатида идеаллар, маънавий ходисалар, рамзлар шаклида акс этадиган миллий тараққиётнинг маданий-тарихий жараёни натижаларининг билиш (гносеологик жиҳат); в) шахс маънавий қиёфасида ифодаланадиган, танлов тавсифига эга ва инсоннинг ўз-ўзини ривожлантириши билан боғлиқ жамият томонидан ишлаб чиқилган кадриятларга йўналганлик (аксиологик жиҳат) инсон ўз-ўзини англашни ривожлантиришга қаратилган. Ватанпарварлик онги – бу ўз генетик илдизлари, атрофдаги ижтимоий воқелик, унинг ривожланиш тенденциялари ва истикболларини тушуниш, яратувчанлик фаолияти ва шахсий мавжудлик нуқтаи назаридан ҳаётий фаолиятнинг етакчи мотиви сифатида Ватанни ҳимоя қилишга тайёрликни уйғунлаштирувчи мураккаб яхлит ходисадир.

Ватанпарварлик дунёқараши – дунё ва ундаги инсоннинг ўрни, атрофдаги олам ва ўз-ўзига муносабатига доир ватанпарварлик қарашлари (эътиқод, идеаллар, билиш ва фаолият тамойиллари) тизими.

Миллий ўзликни англаш – индивидуал ва ижтимоий онг даражаси, халқ ва унинг вакилларининг турмуш тарзини акс эттиши шакли; маълум бир этник гуруҳга мансубликни англаш билан боғлиқ, ўзининг бетақрорлагини эътироф этишга асосланган индивидуал ва гуруҳий билим, тушунча ва туйғулар; алоҳида этник гуруҳ сифатида ўз халқини англашда акс этадиган реал жамиятнинг субъектив жиҳати.

Ватанпарварлик эътиқоди – ўзининг қадриятли йўналишлари билан боғлиқликда ҳаракат қилишга унловчи шахснинг анланган эҳтиёжлари. Сиёсий, фалсафий, эстетик қарашларнинг маълум бир тарзда тартибланган йиғиндиси сифатида эътиқод инсон дунёқараши сифатида намоён бўлади. Ватанпарварлик эътиқоди мазкур йўналишга доир билим, тамойил ва идеалларининг ҳақиқийлиги билан боғлиқ ўзининг хатти-ҳаракатларига шахснинг субъектив муносабатини ифода этади.

Ватанпарварликка доир қадриятли йўналганлик – шахснинг ватанпарварлик онги ва хулқ-атворида ифодаланувчи ҳамда унинг ижтимоий ривожига бевосита таъсир кўрсатувчи ватанпарварлик эътиқоди ва устновкасининг интегратив кўриниши. Шахснинг қадриятлар тизими анланган ва анланмаган тарздаги дунёқараш, сиёсий, ахлоқий қарашлари, эътиқоди ва установакаларидан иборатдир. Қадриятли йўналганликни амалга ошириш мавжуд ҳолат ва аслият, идеал ва ҳақиқат ўртасидаги қарама-қаршилиқни умумий кўринишда акс эттирадиган шахс мотивацияси соҳасидаги низоли ҳолатларни бартараф этиш билан боғлиқ. Қадриятли йўналганлик ўсиб бориш тавсифига эга бўлиб, шахснинг ижтимоий тажрибани ўзлаштириш ва унинг ижтимоийлашуви билан уйғунликда шаклланади.

Ватанпарварлик позицияси – ватанпарварликка доир масалаларга доир нуқтаи назар; унга муносабат билан боғлиқ хатти-ҳаракат, хулқ-атвор. Меърга солувчи ва эмоционал воситалар – меъёр, ижтимоий туйғу, одатлар ёрдамида ватанпарварлик позицияси ҳамкорлик, ҳуқуқ, бурч, имконият, эркинлик ва бошқа кўринишдаги ижтимоий мақомга эга бўлади. Маълум бир кўринишдаги позиция ҳамда у билан боғлиқ ҳуқуқ ва бурч ўзида “инсон – жамоа – жамият – давлат” муносабатлари тизимида ўзига хос ўринни эгаллайди.

Ватанпарварлик идеаллари – ватанпарварликнинг ёрқин намуналари, комиллик, олий мақсадга интилиш. Идеаллаштириш такомиллашмаган воқелиқдан фикран халос бўлиш, идеалга интилиш, демакдир.

Ижтимоий-ижобий муносабат ўзида ўзида Ватанга, унинг тарихи, бугуни ва келажаги, миллий анъаналарга нисбатан ёндашуви; атроф-муҳит ва ижтимоий воқелиқка; ўзининг конституциявий бурчларини бажаришга муносабатни қамраби олади.

Шахснинг ижтимоий-ижобий (ватанпарварлик) хулқ-атвори индивиднинг маълум бир вазифани бажариши орқали амалга ошадиган ижтимоий аҳамиятга эга ўзаро алоқадор ҳаракатлари тизими; жамият тараққиёти, шахсий, жамоавий,

ижтимоий, давлатнинг қизиқишлари ва унинг халқини ҳимоя қилишга имкон берувчи шахснинг ижтимоий йўналган, мақбул-барқарор хулқ-атвори.

Ватанпарварлик туйғуси яхлитликда дунёқараш, маънавият, ахлоқий идеаллар, шахс хулқ-атвори меъёрларида акс этувчи инсоннинг умумий тарбияланганлик даражаси билан тавсифланувчи тарбиянинг бошқа турлари орқали шаклланивчи сифатлар билан интегратив алоқадорликка эгадир. У инсоннинг Ватанга ва Она юртга бўлган қадриятли муносабатини ифодаловчи ва уни ватанпарварликка йўналтирилган фаолиятига ундовчи ижтимоий-ахлоқий асос вазифасини бажаради. Ватанпарварлик туйғусига доир хусусий компонентлар билан бирга, у тарбиянинг бошқа турлари билан ҳам ўзаро боғлиқликда амалга ошади:

маънавий-ватанпарварликка доир компонент: маънавий, ахлоқий ва интеллектуал эҳтиёжлар билан йўғрилган қалб мулки сифатидаги юксак маънавият; ахлоқий сифат ҳисобланган қонунга итоаткорлик; меҳнатсеварлик; ўз-ўзини маънавий жиҳатдан ривожлантиришга нисбатан доимий эҳтиёж сезиш ва бошқалар;

фуқаролик-ватанпарварлик: фуқаролик ўсиб келаётган авлодни жамиятни бошқариш, давлатнинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ҳаётида аҳамиятли ишлар, миллий маданиятни сақлаб қолиш ва ривожлантириш, қонунийликни қўллаб-қувватлаш, мамлакат мудофаасида иштирок этиш, ташаббускорлик кўрсатишга лаёқатли бўлишини талаб этувчи ўзини ҳуқуқий, ижтимоий, ахлоқий ва сиёсий жиҳатдан қобилятлилик; сиёсий, ахлоқий ва ҳуқуқий танлов учун жавобгарлик кўникмаларини таркиб топтиришга имкон берувчи интегратив хусусият сифатида;


ҳарбий-ватанпарварлик: мамлакатимиз ҳарбий тарихи ҳамда замонавий Қуроли кучларига масъулиятли ва ижобий муносабат; мамлакат мудофаа қудрати ва миллий хавфсизлигини мустаҳкамлаш учун ижтимоий масъулият; Қуроли кучларнинг қаҳрамонлик анъаналарига содиқлик ҳисси, уларни давом эттириш истаги ва бошқалар;

спорт-ватанпарварлик: жисмоний маданият, куч, қобилят, чидамлик, ғалабага эришиш учун ирода; соғлиқ ва ривожланиш учун мақбул шароитларда касбий, ижтимоий ва маиший кўринишдаги вазифаларни бажаришга ҳисса қўшадиган барча жиҳатларни ўзида умумлаштирувчи соғлом турмуш тарзи ва инсон саломатлиги ўртасидаги муносабатларнинг йиғиндиси; ёшларни салбий ва зарарли одатлардан ҳимоя қилиш.

Мураккаб шахсий тузилма сифатида ватанпарварлик туйғусини ривожлантиришнинг мазмунини яхлит ташкил этувчи хусусий сифатларнинг санаб ўтилган мажмуи уни шакллантиришнинг устуворлиги, ўсиб келаётган авлоднинг ижтимоийлашув, таълим ва тарбия жараёнида ривожланиши учун хизмат қилади.

Ватанпарварлик тарбияси ўз навбатида, интегратив асосланган ватанпарварлик тузилмасидан келиб чиққан ҳолда мақсад қўйиш, мазмунни белгилаш ва натижаларни аниқлаштириш даражаларида интеграциялашган шаклда тарбиянинг бошқа кўпгина турларининг элементларини ўз ичига олади: маънавий-ахлоқий, фуқаролик, ҳуқуқий, экологик, жисмоний ва бошқалар. Бундай универсаллик ватанпарварлик туйғусини ривожлантириш жараёнини маънавий-ватанпарварлик, фуқаролик-ватанпарварлик,

тарихий-ўлкашунослик воситалари асосида тарбиялаш, ҳарбий-ватанпарварлик, қаҳрамонлик-ватанпарварлик, спорт-ватанпарварлик кабиларга ажратишда ифодаланади (1.2.2-расмга қаранг).



### ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Атаджанова Ш. Оилада ўспирин-ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда миллий кадриятлардан фойдаланишнинг педагогик асослари: Педагогика фанлари номзоди. ... дисс. – Т., 2001. – 136 б.

2. Балагланов А.Р. Патриотическое воспитание младших школьников средствами изобразительного искусства: Автореф. дис. ... канд.пед.наук. – Кострома, 2000. – 27 с.

3. Бейсембаева А.А. Патриотическое воспитание старшекласников средствами казахского героического эпоса. Канд.пед.наук....автореф. –Алматы: 2004. – 23 с.

4. Галиахметов И.Р. Патриотическое воспитания школьников и пути его совершенствования. – Казан, 2001. – С.61-62.

5. Горбова М.А. Воспитания патриотизма у старших классников игровыми формами турстко-краеведческой деятельности: Автореф. дис. ... канд.пед.наук. – М., 1999. – 24 с.

6. Ильин И.И. Формирование патриотическое отношений у студентов: Автореф. дис. ... канд.пед.наук. – Тамбов, 2003. – 24 с.

7. Иброҳимов А., Султонов Х., Жўраев Н. Ватан туйғуси. – Тошкент, Ўзбекистон, 1996. – 139 б.

8. Каган М.С. Гражданское общество как культурная форма социальной системы // Социально-гуманитарные знания. – М., 2000. - №6. – С.49-50.

9. Калдыбекова А.С. Интернациональное воспитание учащихся в старших классов казахской школе в процессе изучения родной литературы (На меатериале казахских школ Республики Узбекистан): Дисс. ... канд.пед.наук. – Т., 1993. – 136 с.

10. Караковский В.А. Стать человеком. Общечеловеческие ценности – основа целостного учебно-воспитательного процесса. – М., 1993. – 80 с.



11. Каримбеков С. Военно-патриотическое воспитание учащихся старших классов в процессе преподавания литературы (на материале русской литературы): Дисс.канд.пе.наук. – Т., 1991. – 137 с.
12. Кирьякова А.В. Теория ориентации личности в мире ценностей. – Оренбург: Изд-во «Южный Урал», 1996. – 188 с.
13. Клименко И.М. Формирование патриотизма в процессе обучения истории и внеучебной работы: Автореф. дис. ... канд.пед.наук. – Екатеринбург, 1999. – 22 с.
14. Кривых С.В. Педагогические основы патриотического воспитания младших школьников. – Новокузнецк: Изд. ИПК, 2002. – С.8; С.16.
15. Левина Н.А. Типологические особенности развития чувств патриотизма у младших школьников: Автореф. дис. ...канд.псих.наук. – Тамбов, 2004. – 22 с.
16. Матушкин С.Е, Ипполитова Н.В. Сущность и особенности патриотического воспитания в современных условиях. – Курган, 2001. - №1(7). – С.6.
17. Новые ценности образования: Тезаурус для учителей и школьных психологов. / Под.ред. Н.Б.Крылова. – М., 1995. – 20 с.
18. Педагогические технологии: понятия, принципы и методы внедрения: Сборник материалов из Интернета. / Сост. С.Махкамова. – Ташкент, 2003. – с.65.
19. Педагогический энциклопедический словарь / Гл.ред. Б.М. Бм-Бад. – М.: Большая Российская энциклопедия, 2002. – 528 с.
20. Рожков М.И. Организация воспитательного процесса в школе. – М.: Гуманит. Изд.центр ВЛАДОС, 2001. – 256 с.
21. Рындак В.Г. Методологические основы образования. – Оренбург, ОГАУ, 2000. – 192 с.
22. Селевко Г.К. Современные образовательные технологии. – М.: Народное образование, 1998. – 256 с.
23. Степанов Е.Н. Педагогу о современных подходах и концепциях воспитания. – М.: ТЦ Сфера, 2002. – 160 с.